



Ражаб ойининг йигирма еттинчисида Кувайт шаҳрида халқаро Куръон кечаси бўлиб ўтди. Кувайт пойтахтининг Совамир минтақасида «Вахий қилинган нарсага кулок сол» (Тоҳо сураси, 13-оят) шиори остида Рамазон ойи муносабати билан халқаро Куръон кечаси уюштирилди, деб хабар беради Иқнанинг Кувайтдаги вакили. Халқаро Куръон янгиликлари агентлиги (Иқна) маълумот беришича, ушбу Куръон кечаси шу йилнинг 15-май куни бўлиб ўтди. Унда беш нафар кори: Мисрдан Доктор Абдунносир Харак, Ироқдан Хожи Майсар Тимор, Баҳрайндан Муҳаммад Ёсин Хабиб, Кувайтдан Зайд Сулаймон Али ва Аҳмад Хайдар Солих иштирок этадилар. «Хожи Иброҳим Катим» залида бўлиб ўтган ушбу кечанинг нашидаларга ажратилган қисмида Шайх Абдурраззок Дагогала гўзал нашидалар билан катнашди. Кечада аёллар учун махсус жойлар ҳам ташкил қилинган.

**Манба:** [www.iqna.ir/ar/](http://www.iqna.ir/ar/) □□□□□□□□ □□□ □□□□□□ □□□□ [www.iqna.ir](http://www.iqna.ir)